



УДК: 634.21

МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЎРИК НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

С. Я. Исламов

А.Э. Қаршиев

Б.Э.Юсупова

Тошкент Давлат Аграр университети

Аннотация: Мақолада маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг қимматли хўжалик белгилари, ўрик дарахтларини мослашувчанлиги, ҳосилдорлиги ҳамда истиқболли бўлган навларни танлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот кузатувлари, ташқи шароитларга мослашувчанлиги ва бошқа ижобий хусусиятлари келтирилган.

Калитли сўзлар: қимматли хўжалик белгилари, сифати, куртак, гул, мева, ҳосил, боғ, маҳаллий, четдан, иқлим, танлаш, мослашувчанлик.

Аннотация: в статье представлены научные наблюдения, проведенные с целью изучения отечественных и зарубежных сортов абрикосовых кустарников и отбора перспективных сортов, а также снижения различных параметров и правильного формирования граба на деревьях при ежегодной обрезке сортов, повышения качества плодов, приспособляемости к внешним условиям и других положительных характеристики.

Ключевые слова: куст, ветка, качество, бутон, цветок, плод, урожай, сад, местный, зарубежный, климат, выбор, гибкость.



Abstract: the article presents scientific observations conducted in order to study domestic and foreign varieties of apricot bushes and select promising varieties, as well as reduce various parameters and correct formation of hornbeam on trees during annual pruning of varieties, improve fruit quality, adaptability to external conditions and other positive characteristics.

Key words: bush, branch, quality, bud, flower, fruit, harvest, garden, local, foreign, climate, choice, flexibility.

Кириш. Ўрик меваси энг кўп истеъмол қилинадиган асосий мевалардан бири ҳисобланади. Ўрик асосан Фарғона ва Зарафшон водийсида кўп тарқалган. Меваси янгилигича, қоқи қилиб ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Янги пишган меваси таркибида 8,4-19,0% қанд моддаси; 0,3-1,7% турли (асосан ўрик, лимон ва жуда оз миқдорда салицил ва вино) кислоталар; 0,1-1,6% пектин, ҳамда А ва С витаминлар бор. Туршагида 80% ва ундан ҳам кўпроқ қанд моддаси бўлади. Ўрта Осиёда ҳудудларида ўсадиган кўпчилик ўрик навларининг мағзи ширин бўлиб, бодом мағзи каби истеъмол қилинади. Таркибида 45-58% мой ва 28% га яқин оқсил бўлади. Аччиқ мағзидан амигдалин моддаси, техник ва озиқ-овқатга ишлатиладиган мой олинади. Данак пўстлоғидан тушъ ва фаоллаштирилган кўмир тайёрланади. Ёғочи мустаҳкамлиги сабабли токарликда ишлатилади [1].

Мевали ўсимликларда онтогенез даври давомида ўз наслини генетик ўзгаришлар орқали наслдан-наслга қолдириш хусусияти мавжуд бўлиб, барча маданий мевали ўсимликларда ўсиш-ривожланиш ва мева ҳосил қилиш омиллари ташқи муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларга ҳарорат, ёруғлик, сув, ҳаво, тупроқ каби ташқи муҳит омилларнинг таъсири бўлади. Ҳар бир омилнинг ўсимликларга таъсир даражаси бошқа бир омиллар билан таъминланиш даражасига боғлиқ [2, 3, 4];



Ўрик навларида ташқи муҳитга бўлган муносабати ўрганилганда, гуллаш саналари бўйича сезиларли фарқлар кузатилган ва олинган натижалар совуққа бўлган талаби ва гуллаш санаси ўртасида ижобий боғлиқлик бўлганлиги, шунингдек тиним давридан чиқиш учун совуқ ҳарорат зарур бўлиши аниқланган. [5, 6].

Кўплаб илмий мабаъларда келтирилишича, ўрик инсон томонидан маданийлаштирилган қадимги мева турларидан бири бўлиб, келиб чиқиш ватани Арманистон ҳисобланган бўлсада аммо кейинчалик Хитой эканлиги аниқланган Шу билан бир қаторда кўплаб адабий маълумотларда келтирилишича ўрикнинг ватани Ўрта Осий эканлиги ҳам тасдиқланган, чунки ҳали ҳам бу минтақада ўрикни ёввойи ҳолда кўплаб учратиш мумкин. Ўрик Ўзбекистонда эрамиздан олдинги VI-VII асрлардан маълум тур ҳисобланади [7].

Ўсимликларнинг онтогенез даври давомида ташқи муҳит омилларининг таъсири натижасида - ўз наслини генетик ўзгаришлари орқали наслдан-наслга қолдириш хусусиятига эга бўлиб шаклланган. Барча маданий мевали ўсимликларда ўсиш-ривожланиш ва мева ҳосил қилиши ташқи муҳит омиллари билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларга ҳарорат, ёруғлик, сув, ҳаво, тупроқ каби ташқи омилларнинг таъсири мисол бўлади. Ҳар бир омилнинг ўсимликларга таъсир даражаси бошқа бир омиллар билан таъминланиш даражасига боғлиқ [8];

Тадқиқот натижалари Тажрибаларда ўрганилган маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навлари дарахтларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддатларини кузатиш улар ўртасида маълум бир тафовутни аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2009 йилда экилган 8-10 ёшли ўрик навларида куртакларнинг бўртиши Субхоны (st) навида 4/III бўлиб, унга нисбатан Моника Бланка нави – 8 кун (24/II), Шалах нави – 5 кун (27/II) ва Исфарақ нави – 4 кун (28/II) илгари, аксинча, Калони Кандак нави эса – 1 кун (5/III) кейин куртаклари



бўртганлиги қайд қилинди. Қолган ўрик навлари стандарт нави билан бир хил санада (4/III) куртаклар бўртганлиги аниқланди.

Ўрганилаётган ўрик навларида ғунчалаш фазаси энг эрта Моника Бланка навида (28/II) бошланиб, ушбу фаза Субхоны (st) навида 8 кун кеч (8/III) бошланганлиги аниқланди. Субхоны (st) навига нисбатан Исфарак навида – 5 кун (3/III), Шалах ва Юбилейный Навои навларида – 3 кун (6/III), Наджими ва Исфарак Бадамский навлари – 1 кун (7/III) олдин шаклланган бўлса, Калони Кандак нави – 1 кун (9/III) кейин ғунчалаганлиги кузатилди.

Ўрикнинг Субхоны (st) навида гуллашнинг бошланишидан тугашигача бўлган давомийлиги – 11 кун (10/III–21/III) бўлган бўлса, унга нисбатан Моника Бланка навида– 9 кун (4/III–13/III), Шалах ва Юбилейный Навои навларида – 10 кунни (8/III–18/III) ташкил қилди. Аксинча, бошқа навларда ушбу фаза давомийлиги Субхоны (st) навига нисбатан 2-3 кунга кечроқ бўлганлиги аниқланди.

Ўрикнинг Моника Бланка (24/II – 1/IV), Шалах (27/II – 2/IV) ва Исфарак (28/II – 5/IV) навларида куртак бўртишидан то тўлиқ барг чиқаришигача – 34-36 кунда шаклланиши учун юқори фойдали ҳарорат йиғиндисини (+581,3°C) талаб қилган бўлса, аксинча камроқ фойдали ҳарорат йиғиндисиди (+499,0°C) Субхоны (st), Субхоны Заря, Субхоны Гигант, Наджими, Исфарак Бадамский, Калони Кандак ва Юбилейный Навои навларида куртак бўртишидан то тўлиқ барг чиқаришигача – 30-32 кунни ташкил қилди.

Ўрик навлари мевасининг Субхоны (st) навига (13/VI) нисбатан 19 кун эрта пишиши Наджими навида (25/V) бўлиб, қолган навларда эса ушбу фазадаги фарқ 4-11 кунни ташкил қилди. Бунда, гуллашдан то мевани пишишигача фойдали ҳарорат йиғиндисини Наджими навида +1579,7°C ни ташкил қилган бўлса, қолган навларда +1846,0°C фойдали ҳарорат йиғиндисиди меваларни пишганлиги аниқланди.



Ўрганилаётган ўрик навларида барглarning энг эрта сарғайиши Субхоны (st) навида (24/IX) кузатилиб, стандартга нисбатан Юбилейный Навои нави – 4 кун (28/IX) ҳамда бошқа навларда (1/X – 19/X) эса барглари сарғайиши 8–26 кунга кеч бошланганлиги аниқланди.

Ҳазонрезгилик стандарт Субхоны (st) навига (7/X) нисбатан энг эрта бошланиши (25 %) 10-11 кун Моника Бланка ва Шалах навларида (27/IX ва 28/IX) бўлган бўлса, аксинча 7-12 кун кеч ҳазонрезгиликни бошланиши (25 %) Исфарақ Бадамский (14/X) ва Субхоны Гигант (19/X) навларда бўлганлиги аниқланди.

3-иловадаги маълумотларга кўра, Субхоны (st) навига (25/X) нисбатан 90 % ли (тўлиқ) ҳазонрезгиликни Моника Бланка (14/X) – 11 кун ва Шалах навларида – 6 кун олдин бўлган бўлса, аксинча Юбилейный Навои навида (18/XI), 24 кун кечроқ 90 % ли ҳазонрезгилик бўлганлиги аниқланди.

Ўрикнинг Субхоны (st) навида (5/IV – 21/XI) тўлиқ барг чиқаришидан то ҳазонрезгиликни тугашигача – 230 кунни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан Субхоны Заря (2/IV – 15/XI) нави – 13 кун (227 кун), Юбилейный Навои (4/IV – 17/XI) ва Наджими (5/IV – 17/XI) навлари – 4-5 кун (226 кун) илгари тугаганлиги аниқланди. Аксинча, ҳазонрезгиликни тугаши Субхоны (st) навига нисбатан Моника Бланка (1/IV – 4/XII) навида 13 кунга кеч (243 кун) бўлганлиги аниқланди.

Ўрганилаётган 2009 йилда экилган ўрик навларининг куртак бўртиши-дан то ҳазонрезгиликни тугашигача бўлган вегетация даври Субхоны (st) навида – 245 кунни ташкил қилди. Калони Кандак навида вегетация даври (241 кун) бўлиб, Субхоны (st) навига нисбатан 4 кунга эрта, аксинча Субхоны Заря ва Наджими навларида – 3 кунга (248 кун), Юбилейный Навои навида – 4 кунга (249 кун), Исфарақ навида – 7 кунга



(252 кун), Шалах ва Исфарақ Бадамский навларида – 9 кунга (254 кун), Субхоны Гигант навида – 10 кунга (255 кун) ҳамда Моника Бланка навида – 17 кунгача (262 кун) вегетация даври узун бўлганлиги аниқланди.

2017-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлардаги 8-10 ёшли ўрик навларининг (2009 йилда экилган) куртак бўртишидан то ҳазонрезгиликни тугашигача йиллик вегетация даври Субхоны (st), Субхоны Заря, Субхоны Гигант, Наджими ва Юбилейный Навои навларида – 5555,3°C, Исфарақ Бадамский ва Калони Кандак навларида – 5619,0°C, Шалах ва Исфарақ навларида – 5701,3°C ҳамда Моника Бланка навида – 5761,6°C фойдали ҳарорат йиғиндисидида тиним даврига ўтганлиги аниқланди.

Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларида дарахтларнинг биометрик кўрсаткичлари 8-10 ёшли (2009 йилда экилган) ўрикнинг Субхоны (st) навида дарахт баландлиги 459,3 см бўлиб, стандарт навга нисбатан дарахт баландлиги юқорилигини Исфарақ Бадамский (60 см ёки 519,3 см), Исфарақ (37,7 см ёки 497 см) ва Субхоны Гигант (34,7 см ёки 494 см) навлари намоён қилган бўлса, энг паст дарахт баландлигини Субхоны Заря (223,0 см ёки 236,3 см) навида бўлганлиги аниқланди.


Дарахт танасининг баландлиги Субхоны (st) навида – 44,6 см ни ташкил қилган бўлиб, унга нисбатан Субхоны Заря нави – 21,6 см (23,0 см) ва Наджими нави – 11,3 см (33,3 см) га кичик баландликдаги дарахт танаси шаклланганлиги аниқланди. Аксинча, Субхоны (st) навига нисбатан 13,2 см га юқори баландликда дарахт танаси Исфарақ Бадамский навида (57,8 см) бўлганлиги аниқланди.

Дарахт танаси диаметри Субхоны (st) навида 54,0 см ни ташкил қилиб, стандарт навга нисбатан энг йўғон дарахт танасини Моника Бланка (66,6 см) ва Шалах (59,4 см) навларида бўлган бўлса, аксинча Субхоны Заря (22,9 см) навида –



31,1 см дарахт тана диаметри ингича эканлиги аниқланди (1-расм).

Шох-шабба баландлиги Субхоны (st) навида – 414,7 см ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан энг кичиги Субхоны Заря навида (201,3 см) шаклланганлиги аниқланди. Юбилейный Навои (336,1 см), Калони Кандак (359,8 см), Наджими (365,0 см) ва Шалах (402,9 см) навларида эса Субхоны (st) навига нисбатан 78,6-11,8 см га шох-шабба баландлиги кичик бўлди.



1-расм. Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари дарахтларининг ўлчамлари (2009 йил экилган ўрик навлари)

Субхоны (st) навига нисбатан шох-шабба баландлигини 46,9-17,2 см юқори кўрсаткични Исфарак Бадамский (461,6 см), Исфарак (449,9 см), Субхоны Гигант (449,8 см) ва Моника Бланка (431,9 см) навлари намоён қилганлиги аниқланди.

Шох-шаббаларнинг қатордаги кенглиги Субхоны (st) навида – 357,0 см бўлиб, унга нисбатан қатордаги шох-шабба кенглиги Субхоны Заря нави 122,0 см кичик ҳамда Шалах навида – 46,7 см баланд эканлиги аниқланди. Шунингдек, Субхоны (st) навига нисбатан 79,3-6,7 см га кичик қатордаги шох-шабба кенглиги Юбилейный Навои (277,7 см), Исфарак (304,7 см), Калони Кандак (314,0 см), Исфарак Бадамский (318,7 см), Наджими (327,3 см), Моника Бланка (333,0 см) ва Субхоны Гигант навларида (350,3 см) эканлиги намоён бўлди.

8-10 ёшли ўрик навларидаги шох-шабба проекцияси Субхоны (st) навида 16,6



м² бўлиб, стандарт навга нисбатан 0,4 м² кенг шох-шабба проекцияси Шалах (17,0 м²) навида бўлган бўлса, аксинча энг кичик Субхоны Заря (10,7 м²) ва Юбилейный Навои (6,8 м²), Калони Кандак (4,9 м²), Наджими (4,5 м²), Моника Бланка (4,2 м²), Субхоны Гигант (4,1 м²) ва Исфарак (3,7 м²) навларида аниқланди.

Ўрик навларнинг шох-шабба ҳажми 1-жадвал

Навлар номи	Шох-шабба баландлиги, см	Шох-шабба кенглиги, см		Шох-шабба проекцияси, м ²	Шох-шабба ҳажми, м ³
		қаторда	қатор оралиғида		
Субхоны (st)	414,7±8,5	357,0±6,5	459,7±7,7	16,6 ±0,28	69,7 ±1,13
Моника Бланка	431,9±8,0	333,0±6,8	366,7±6,0	12,4 ±0,20	54,2 ±0,97
Шалах	402,9±8,2	403,7±8,2	423,0±7,9	17,0 ±0,26	68,9 ±1,13
Исфарак	449,9±9,2	304,7±6,2	415,7±8,2	12,9 ±0,25	59,0 ±1,18
Субхоны Заря	213,4±4,4	235,0±4,8	249,4±5,1	5,9 ±0,12	12,8 ±0,25
Субхоны Гигант	449,8±9,2	350,3±7,1	353,4±7,0	12,5 ±0,26	57,1 ±0,89
Наджими	365,0±6,7	327,3±6,7	361,7±6,7	12,1 ±0,23	44,6 ±0,81
Исфарак Бадамский	461,6±9,1	318,7±6,5	511,7±10,0	16,6 ±0,32	77,8 ±1,39
Калони Кандак	359,8±6,6	314,0±6,4	368,7±6,1	11,7 ±0,23	43,0 ±0,67
Юбилейный Навои	336,1±6,2	277,7±5,7	341,7±6,2	9,8 ±0,20	34,2 ±0,52
ЭКФ _{0,5}	17,8	14,8	16,5	0,6	2,2
Sx %	4,6	4,6	4,3	4,4	4,1



1-жадвалдаги кўрсаткичларга кўра, 2017-2019 йилларда ўрганилган ўрик навларининг 8-10 ёшли Субхоны (st) навида шох-шабба ҳажми – $69,7 \text{ м}^3$ ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан $8,1 \text{ м}^3$ га кенг шох-шабба ҳажми Исфарак Бадамский ($77,8 \text{ м}^3$) ҳамда энг кичик шох-шабба ҳажмини Субхоны Заря ($12,8 \text{ м}^3$), Юбилейный Навои ($34,2 \text{ м}^3$), Калони Кандак ($43,0 \text{ м}^3$) ва Наджими ($44,6 \text{ м}^3$) навлари намоён қилинганлиги аниқланди. Шунингдек, Субхоны (st) навига нисбатан $15,5-0,8 \text{ м}^3$ кичик Моника Бланка ($54,2 \text{ м}^3$), Субхоны Гигант ($57,1 \text{ м}^3$), Исфарак ($59,0 \text{ м}^3$) ва Шалах ($68,9 \text{ м}^3$) навларида аниқланди.

Хулоса

Кучли шохланувчи ўрикнинг Субхоны, Юбилей Навоий, Красношеский навларида ўсувчи мевали дарахт асосан шпорцлар ва дастали шохчаларда, шу билан бирга нимжон шохланувчи Наджими, Субхоны гигант ва Кўрсодиқ навларида шпорцлар ва дастали шохчалар 30-45 см га камрок, генератив куртаклар эса аралаш новдаларда ривожланган.

Ўрикнинг ўрганилган навлари асосида Юбилей Навоий ва Наджими навлари юқори ҳосилга эга бўлган. Мазкур навлардаги ўртача ҳосилдорлик 9,2 ва 8,8 т/га ташкил этди. Бунда меваларнинг сифат характеристикаси етарлича юқори даражада, ҳамда мевалар катталиги ҳам улардаги фойдали озуқалар бўйича юқори бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Рибоков.А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. – Ташкент “Ўқитувчи” 1981. 30-31-б.
2. Ахматова, 3. П. Размещение абрикоса в различных экологических условиях / 3. П. Ахматова // Природно-ресурсный и эконом. Потенциал горн, и предгорн. регионов



России и принципы создания «устойчивых» агроландшафтов. Владикавказ, 1996-с.145-146.

3. Гнездилов, Ю. А. Клоновые подвои абрикоса / Ю. А. Гнездилов // Новации и эффективность производственных процессов в плодоводстве: материалы Международ, науч. практич. конф.,- Краснодар: СКЗНИИСиВ, 2005- с. 236-238

4. Иванов С. М. Преодоление преждевременного отмирания деревьев абрикоса и других косточковых плодовых в промышленных садах С.М. Иванов // IV Международ, симпозиум по культуре абрикоса.- Ереван,1981. ч.I. - с. 117-121.

5. Gonzalez. D Changes on carbohydrates and nitrogen content in the bark tissues induced by artificial chilling and its relationship with dormancy bud break in *Prunus* sp. / D. Gonzalez-Rossia, C. Reig,V.Dovis et al.//Scientia Horticulturae. – 2008. – V. 118, N. 4. – P. 275-281.

6. Ruiz D. Chilling and heat requirements of apricot cultivars for flowering / D. Ruiz, J. A. Campoy, J. Egea // Environmental and Experimental Botany. – 2007. – V.61, N. 3. – P. 254-263.

7. Савчишкина, К. Т. Перспективы развития косточковых культур в зоне Северного Кавказа / К. Т. Савчишкина // Селекция и сортоизучение косточковых, ягодных и орехоплодных культур на Северном Кавказе: сб. науч. тр. Новочеркасск, 1990.- с. 5-8.

8. Ахматова, З. П. Размещение абрикоса в различных экологических условиях / З. П. Ахматова // Природно-ресурсный и эконом. Потенциал горн, и предгорн. регионов России и принципы создания «устойчивых» агроландшафтов. Владикавказ, 1996-с.145-146.